



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 20 август пайшанба  
Сотувда эркин нархда № 166 (1947)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Япониянинг "Марубени" компанияси директори ва транспорт дивизиони бош менежери Норисюю Ватанабе раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Л.Ахметов билан учрашди.

си билан "Марубени" компанияси ўртасида Тошкентда вагон таъмирлаш заводида куриш тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Маросимда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси К.Обата ҳозир бўлди.

(ЎзА)


## БАЙРАМГА АТАЛГАН КОНЦЕРТЛАР

1 сентябрь — республикамиз мустақиллиги кунини қанчалар саябат байрамига айланади. Шу кунни пойтахтнинг кўчлари жойларида тошкентликлар ва меҳмонлар учун ранг-баранг концерт дастурлари намойиш этилади. Мустақиллик майдонидан ташқари этиладиган учта улкан сахнада кун бўйи ўзбек санъат усталари ва бадий ҳаваскорлик жамоаларининг жумладан, "Ўзбекнаво", "Ўзбекракс" билимлари бадий жамоалари, мустақиллик бағишланган республика курик-танловлари, фестивалларнинг қиллари ўз маҳоратларини намойиш этидилар.

ниқли эстрада хонандалари, вокал-чолгу гуруҳлари концерт берадилар. Алишер Навоий номли давлат академик катта театри майдонидан тантаналар эса болаларга бағишланади. Бу ерда концерт дастурлари, турли танлов ва викториналар, спорт мусобақалари, таъкил спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, амалий, техник ҳамда бадий ижод кўргазмалари ташкил этилади. Республика кўғирчоқ театри санъаткорлари ўз спектакллари билан кичикинтойларга қувонч улашадилар.

(ЎзА)

Халқлар Дўстлиги майдонидан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи, Амир Темури хибони, Мирзо Улуғбек ёдгорлиги, Ҳамза номидаги театр майдонларида, Сирғали тумани боғи ва Анҳорбўйидаги сахналарда эса республика миллий-маданий марказлари, Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадий жамоалари, Тошкент шаҳар маданият ишлари бош бошқармаси тасарруфиданги профессор ва бадий ҳаваскорлик, вилоятларнинг фольклор-этнографик жамоалари, "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқ байрами қиллари ва та-



Турозамин не-не алломалар, улуг зотлар, жаҳонга дони кетган олму фозиларни вожа етказган табаруқ тупроқдор. Қадимий ва ҳақиқат навқирон Самарқанд буюк бунёдкорлик ишлари марказига айланган.

Вилоятнинг Челек туманидаги Хартаг қишлоғида Имом ал-Бухорий таваалуҳининг 1225 йиллигига қизил ҳозирлик кўриляптир. Шу муносабат билан ул мўътабар зот хоки қўйилган масжид ва унинг атрофида катта қурилиш ишлари давом этимоқда. Бу улкан мажмуани барпо этишда нафақат республикамиз вилоятларида, ҳамто чет эллардан келган ҳунармандлар, қурувчилар ҳам ўз ҳиссаларини қўймоқда. Бу ерда қабр эстига яқин мақбарга қуриш, қадимий, миллий меъморлик аналалари билан уйғунлашган айвонлар, масжид, мадраса ва ўқу даргоҳларини тиклаш ишлари ҳам қизиб.

СУРАТЛАРДА: қурилиш майдонидан лавҳалар аке этирилган. Р. ЖУМАНИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

**ИСТИҚЛОЛ ТАРОНАСИ**

**БАҒИШЛОВ**

Қайта баҳор кўриб яшаран тупроқ,  
Истиқлол нуридан бағри нурафиюн.  
Гулзорларинг чорлаб очмоқда кучоқ,  
Юртим, жаҳон ичра ўзинг бир жаҳон.

Юртим, осмонингда мунаввар қуёш —  
Фарзандлар кўксидан ловулаган чўғ,  
Эй, руҳи аجدодлар жонига жондош,  
Сен хурсан, мен мағрур, истиқбол ёруғ.

Дейдилар: илдиздан кўкарса чинор,  
Бургут шиддати-да топаркан камол.  
Сенинг шиддатингда тўлаш фасли бор,  
Эй, дунё кўкида порлаган Ҳилол!

Юртим, ҳар қадамнинг сулув манзара,  
Тилим бийрон тортар сени мадҳ этсам.  
Сенда қўнғил эркин, эркаклар хаёл,  
Шу бағринга кетаман кетсам.

Ойбек РАҲИМ.

## "Хотира хиёбони" барпо этилади

Самарқанд шаҳар ҳокими иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизни ёъозлаб "Хотира хиёбони" ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Вилоят марказида қад ростлайдиган мажмур мажмуа лойиҳаси учун танлов эълон қилинди. Танлов шартига кўра, ёдгорлик бетакрор кўринишга эга бўлиши, миллий руҳ ва ота-боболаримиз аънадаларини акс эттириши, меъморий қурилиши жиҳатидан ўзига хослиги билан ажралиб туриши лозим.

Мамакатимиз Президентининг шу йил 9 майда бир гуруҳ фахрийлар билан учрашуви чоғида бу борада билдирган таклиф ва мулоҳазаларига биноан ўтказилаётган бу танлов мустақиллик байрами арафасида якунланади.

Ҳамза Шукуров, ЎзА мухбири.

## Олий Мажлис сессияси олдидан

### ИНВЕСТИОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЛАНДИ

— «Қимматли қоғозлар бозорига депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси илгари Олий Мажлис томонидан қимматли қоғозлар муомаласи ва уларни чиқариш тартибига солиш тўғрисида қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг механизми тўғрисида»ги ва «Акционерлик жамятлари ва акционерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Яқинда ўз ишнини бошлайдиган биринчи чакирлик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси кун тартибига «Қимматли қоғозлар бозорига депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Ушбу қонун лойиҳасининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Лойиҳада қандай ҳуқуқий асослар ўрин олган? Мухбиримиз Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитасининг раиси Абдурафик АХЛДОВга ана шу саволлар билан мувожабат қилди.

ва назорат қилиш маркази томонидан тартибга солиш, депозитарийларнинг нақд қимматли қоғозларни ёки нақд бўлмаган қимматли қоғозларга ҳуқуқларни тасдиқловчи ёзувларни мувофиқ сақлашни ёки йўқотиш ҳолларида депонентлар олдиданги жавобгарлиги масалалари батафсил ёритилган. Шунингдек, марказий депозитарийда сақланган қоғозларни сақлашни кафолатлаш ва ахборот махфийлиги талабларига риоя қилиш масалалари бағишланган алоҳида моддалар ҳам бор. Бу эса ўз навбатида инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоялашда муҳим факторлардан бири ҳисобланади.

Қонун лойиҳасига мувофиқ — депозитарийларда сақланаётган ва ҳисоби юритилаётган қимматли қоғозларнинг бутлиги қимматли қоғозларни сақлаш омбулронининг белгиланган талабларга мувофиқлиги ҳамда ҳисоб андозаларига мослиги асосида таъминланади. Шунингдек, марказий депозитарийда сақланаётган ва ҳисоби юритилаётган қимматли қоғозларнинг бутлиги марказий депозитарийнинг узоқда жойлашган худудий тақрорий маълумотлар ахборот банки тизими

зарурлигидан далолат беради.

Мазкур қонун лойиҳаси қабул қилинган, депозитарийлар фаолиятини қонунчилик нуқтаи назаридан тартибга солиш масалалари ўз ечимини топади. Чунки айрим шахсларнинг даъво аризалари бўйича суддан олдин ва суд жараёнида ишни кўришда қимматли қоғозларнинг эмиссияси таркибининг тўғрилигидан келиб чиқувчи инвесторларнинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлари депозитарий ва реестр юритувчи ташкилот томонидан олинган маълумотларга асосланади.

Қонун лойиҳасида қимматли қоғозлар билан иш олиб борувчи депозитарийларга қўйилган талаблар аниқ белгиланган. Жумладан, унда ушбу фаолият билан қимматли қоғозларнинг, депозитарийлар тақдим этиши лозим бўлган мажбурий ҳизматлар рўйхати, уларнинг бажарилиш тартиби, депозитарийнинг ўз миқдорларини олдиданги жавобгарлиги ҳамда депозитарий тизимининг тузилиши, қоидалари, фаолият юритиш механизми ва фонд бозорининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда иш юритиш масалалари мустақамлаб қўйилган.

Буларнинг барчаси нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижий инвесторларнинг ҳам республикамизнинг қимматли қоғозларига ишончи ортишида, хорижий мамлакатларнинг марказий депозитарийли билан корреспондентлик муносабатлари ўрнатилганда ҳамда жаҳон бозорига чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

«Жаққ сўзи» мухбири О. РАҲИМОВ ваё олди.

## «Энг улуг, энг азиз» танловига

### 1. ЯНГИ ТАРИХНИНГ БОШЛАНИШИ

- \* Озод кўтарилган байроқ
- \* Катта қирғин. Кичик қирғин...
- \* Эрк учун бўлсин фидо-эй, молимиз, ҳам жонимиз...
- \* Амир Темури шу одамлар билан дунёнинг ярмига эгаллик қилганимиз?

Кишан кийма,  
Бўйи эгма,  
Ки сен ҳам ҳур туғилгансен.  
Абдулҳамид Чўлпон.



Уша кунни дунё кўрган бир шоир: — Биз зимистон кеча кўйинда, қоп-қоронгу ўрмонда адашиб юрган одамларга ўхшаймиз! — деган эди ноумид оҳангда. — Эртага нима бўлади, бу ёлғиз Аллоҳга аён.

— Э-э, йўқ, — деган унга жавобан қатъият билан бошқа бир шоир. — Ленин ҳали ўлгани йўқ, У мавзолейда ётиб, дунёни бошқариб турибди! Уша — 1991 йил 31 август кунни кенжурини телевизор орқали мамлакат Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси намойиш этилди. Президент минбарга чиқиб келди, ўтирганларга синовчан разм солади, сўнг

юзига гурури ва ифтихор балди, тантанавор оҳангда Баёноғ янгради: Олий Кенгаш... Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади... Кимдир ириб турди-да, Ўзбекистон байроғини қўлга олиди ва уни боши узра

озод кўтариб, ҳайъат томон талпинди, аммо зал... Зал сув қуйгандай жим-жит, ўтирганлар уйга толиб қолган эди.

Истиқлол ҳали тушунчага айланиб улгурмаган. Ва муайян қатламнинг унга муносабати шу ҳолатда акс

шундай дейди: «Эртаси кун Мустақиллик кунини деб эълон қилинди ва бизга «жамоангиз билан шаҳарга чиқинг, умумхалқ байрамида қатнашинг!» дея таклиф этишди. Аммо биз нима қилишни билмас эдик!»

Нега? Ахир, йигирманчи йиллардаёқ жадидлар: «Террорга асосланган ҳокимлик миллатимизни умидсизлантормасин. Имомиз ва озодликка бўлган муҳаббатимиз бизни доимо қутулиш йўлига қорлар ва олдинга ундар. Юртин мустақил ҳолида қуриш саодати биз бўлма-сак, фарзандларимизга на-сиб этгай!» — дея умид қилган; шундай кунлар келишини ҳар бир авлод юрак-юракдан истаган эди-ку?! Истаган, бироқ ҳеч ким дахллати империя исканжасидан анор донасидай ситилиб, боши омон ҳолда чиқиб кетиш мумкин эканлигини хаё-лига келтирмаган. Бу ҳақда ўйлаган киши ҳам-иша «кейин-чи?» деган саволга дуч келган. Хўш, кейин нима бўлади? (Давоми 3-бетда).

## АЖДОДЛАРНИ ХОТИРЛАШ ШУКУҲИ

Боболаримиз кўп суриб ўтган дала-туз. Мовий осмонларга тупансан қадим водийлар. Юрт биласидан мушаклардай тупуриқ чиккан гадир тоғлар. Селлари, сарин еллари, шифо-фос сувлари. Аждодларимизнинг мангу арвоқлари кезиб юргувчи ну муқаддас тупроқда илоҳий бир қўшиқ, илоҳий бир қайтарик бор. Ватан абадий. Бу заминда мард, ботир, нахлани боболаримиз, жаҳоннинг энг сулув бекалари — мо-лоларимиз ҳоклари қорини. Замонларнинг қадим қатиди ҳо-лаватий Зардушт бўлиб, Бақтрия, Қумон салтанатларини бунёд этиб, бўйлаётган аждодлар кўнчилиги бугун, янги див-рондан кенжа авлод қўлағи бошланган бўлса — бунда ҳам бир илоҳий қонунчилик бор.

Бу — аждодлар хотираси, бу — бобою момоларимиздан бизгача келаятган ёруғлик, нур, бу — боболардан бизнинг танамизга ўтиб қайнаб келаятган қон, қалбимизга мерос ўтган оталар руҳи. Бу — сўнмас руҳ! Хотиранинг муқаддаслиги ҳам шунда. Биз баъзан буюк аждодларимиз жасорати ва бунёдкорликлари билан кўпроқ мақданаётган бўламиз. Аслида эса бу — бизга олий туйғулар бағишловчи, эртанги кунга етакловчи, чорловчи маёқ руҳ!

Чунки — хотирадан мосуво бўлган, ҳеч кимни танимайди-ган, раҳм-шафқат, меҳр-мурув-ватдан айро инсон шаймояли-даги тўғиз. «Хотира — уйғонса гўзал» дейди шоир. Биз Баҳоуддин Наҳшбанд, Наҳиддин Кубро, Аҳмад Ясавий ёки Имом Бухорий меросига қизиқар ва улар хоки тўқилган манзиллар-ни обод қилар эканмиз, бу — ўша боболар руҳи кўнглимиз-га ёруғлик солаётганидан ла-рак бермайдими? Чўлпон, Қо-дирий ёки Усмон Носирини ёл-да олишимиз жўрттага эмас-ку. Чунки улар сиймосида чоризм истибодига қарши уйғонган алам бор қалбимизда. Президентимиз шу йил 9 май кунини бир гуруҳ оқсоқол-лар, адиблар ва уруш қатнаш-чилари билан Қарлошлик қаб-ристонига ўтказган суҳбатни чо-ғида «Хотира халқини бирлаш-тириши керак» деган шioriни ўртага ташлаган эдилар. Чин-дан ҳам биз бир тал рус ша-ҳарлари номлари ўйиб ёзилган қатор совуқ мрамр тошлардан

нима маъно топамиз? Улар нимага ҳизмат қилиши, ким-ни руҳлантириши мумкин? Зотан кечати кун ҳам, ундан аввалги даврлар ҳам, соҳиб-қирон Темури бобомиз замона-си ва аввалги салтанат со-ҳиблари бўлиш аждодларим-из ўтмиши ҳам — тарих. Аждодларимиз — бизнинг ифтихоримиз, Ватаннинг туپронини каттақон тарих-китоба менгасак, биз иб-рат олашган энг ёрқин са-ҳифадир, улар. Уларнинг доноликлари, оқил тадбирлари ва асарлари бизнинг бошимизни қовуш-тириб турадиган маёқ бўлсин! Зеро, шоирлар сарвари Абдулла Орипов ёгани каби: **Ниллар умримизга қиларми шифқат, Бирор иш бормикан айлагани ёд?** Қайта тиклаш мумкин борчасини, фақат Қайта тикламағай ўсса хотирот!.. Собир УНАР.

### УШБУ СОНДА:

ҚўШИМА КОРХОНАЛАРДА

**ЖАҲОННИ ПОП ҚОЛДИРГАН GSM-900**

2-бет

АЙЁМ АРАФАСИДА

**ЎЗБЕКСТОН ТАРАҚҚИЁТ КЎЛИДАН ДАДИ ИЛГАРИЛАМОҚДА**

3-бет

**СПОРТ - МИЛЛАТ ИРОДАСИ**

**ШАРАПНИ ВА ЗАКОВАТНИ**

4-бет



## «Энг улуг, энг азиз» танловига

(Давоми. Боши 1-бетда).

Беомон ёпирилиб келатган танлар ваҳимаси, миллий топталиш, қирғинбарот, вайронгарчилик...

Биз китоб ўқиб ёхуд киноларда ифодасини кўриб, шундай тўхтама келганимиз йўқ, аксинча, сиёсатнинг бундай қонли зулмлари ҳаминча ўта махфий сақланган. Бу — кўзлаги, кўнгидаги кўрқинч қондан қонга ўтиб, бизнинг табиатимизда яшаб келади.

Бобом мулла Отакул Суяр ўғли супада, ботиб бораётган қўшга термулиб ўтириб, гоҳо айтар эди: «Каттақўрғонда икки марта қирғин бўлган, одамлар буни «кичик қирғин», «катта қирғин» деб айтади. Кичик қирғинда кўчада дуч келган одамнинг калласи кетган. Катта қирғинда эса қўшма қўшим бўлган: аскарлар отдан тушмай ичкари уйларга бостириб қирган, бешикда ётган чақалоқни ҳам қиличдан ўтказган...

Карманга жума намози пайти ҳужум қилишди. Аскар поездда истансага етиб келган экан, шу ерда туриб, Қосим Шайх мақбарасининг гўмбазини тўп билан урган. Одамлар буни туш кўрибди, дейсизми? Қасир-қусур бўлиб, гўмбазининг бир чети учиб тушган, Худодан қўрққан мўминларнинг юраги қиндан қин чиқиб кетган. Сажадага бош қўйиб, Аллоҳдан мағфират тилаб ётаннида балло-қазодда ёпирилган қўшин жамоатини қиличдан ўтказган. Жума намозига бораётган тоққа қараб қоча бошлаган, олди дарёнинг кўпригига етиб келган, лекин тирик қолагани кам, ўрлаган галла нима — улар нима. Уч кун ўлик ишқамиз...

«Омон-омон» кунлар келган, савабни юрганлар ҳам омонлик дейишди. Эргаш қўрбоши йиғитлари билан қамқондан қайтиди, ҳовли-жой қуришга киришди, бир кунни Қалқон ота

томондан қора қўндоқ бўлиб қўшин ёпирилиб кела бошлади, булар ҳали ўзини ўнглаб олгунча бўлмади отганини отди, чопганини чопди, уйларга ўт қўйиб юборишди. Эргаш қўрбоши шу орада отни салт миниб, тоққа қараб ҳайдаган экан, яшнндай учиб анҳордан ўтиб кетди, қўшанлар бориб, анҳора тиралиб туриб қолишди. Шунча азият бўла туриб, кечга томон қўрбоши ўз оёғи билан қайтиб қишлоққа кириб келди: «Савабдан бўлсам, шу юртга ит тегмасин, деб савабим, энди уни ташлаб, қочиб қаёққа бораман?» — деди, сўнг ўша йилларнинг армони қўшиғини айтиб юборди: **Ёғилларга қул бўлиб — Қолмади армонимиз...**

Шу қўшиқнинг устида унинг кўкрагидан отишди. Бир отишди, икки отишди. Уч отишди...

Эрк учун бўлсин фидо-эй, Молимиз, ҳам жонимиз... У яроқсиз бўлса-да, аскарлар ботиниб унга яқин йўлашмас эди, еттичи ўқ қоқ мангайига тедди, шунда у бир чайқалди, сўнг тоғдай сурсиллаб ерга қулади. Жони чиқиб кетган эди.

Аскарлардан бири қилич яланғочлаб унга ташланди, учинчи ҳаммада бошини танаасидан эжуд қилди, сўнг уни ҳода учига илшиди-да, қишлоққа-қишлоқ юриб, элга намозиш этишди. Қора қонига беланган танини эса халойиқнинг кўз ўнгига ёқиб юборишди. Одамнинг танаси ёнган жой Яратганининг қаҳрига учрайди, қайтиб бир нима қўқармас экан, ҳалиям ўша жой эшакнинг яғридай таш-тақир...

Мулла Отакул Суяр ўғли шу юрт, шу замин, шу бепоён омондан сўнгги нафасига қадар кўнгул уза олмаган. Улимидан аввал бизни дараклатди ва: «мени ташқарига олиб чиқ», деди у, даст кўтариб, супага олиб чиқди, умри ўтган қишлоқ кўчаларига кўз узолмай узоқ тикилди, сўнг кўчага ишора қилди, кўча бошида ариқча туташ чимзор майдонча бор. Эсимни таниганимдан буён унинг супрадай жойида гнйёх ўсмайди, офтобда

бўзариб тургани-турган. Шу жойга етганда «Тўхта!» дегандай ишора қилди, сўнг ўша ерга ҳасрат билан кўз ташлади, кўзларига бир ўт чақнаб ўтди, қуруқшаган лаблари пичирлай бошлади, кейин мажолсиз қўлини кўтарди — юзига фотиҳа торган бўлди. Мен сездимки, Эргаш қўрбошининг сўнгги манзили — шу ер.

Қайтиб у ичкарига кирмади. Боғ ичида турган сўрича кўрпага солишди. Шунда узалиб ётганча у олманинг

аммо ўша таъна юрагимга тигдай боғмагунча «эзилиш» нима эканлигини юрак-юракдан ҳис этмаганман.

Истиқлол арафаси, хориждан келган адиблар Самарқанд Бухорони зиёрат қилиш ниятида эканликларини айтишди. Амир Темурнинг хоки пойи зиёрат қилинган, тагин йўлга тушди, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига етмай, нафас ростлаш учун чойхонага тушилди, шунда меҳмонлардан бири қўшни сўрида омо-

гани келтирар экан. Эзилиб турганимда ўша — ўтирганлардан бири биз томонга юзланди, бир гап ўтганини англади, шекилли, қизиқсиниб пича яқин келди ва мени ўзига яқин олиб: — Нима деяпти бу? — деб сўради.

— Булар — хориждан, — дея уни ҳушёрликка ундаган бўлдим. — Амир Темурнинг хоки пойини тавоф қилиш учун келиштипти.

У, шу ҳам гап бўпти-ю, дегандек қўл силтади, сўнг,



## Миллий гурур йўлларида

### Бади

пуштирган гулларига, яшиланиб бораётган олис қирларга, Октовнинг қорли чўққиларига, сўнг зангोर омонга қандайдир қонгли тўлмай, нимадандир норози бўлиб қаради...

Сўнгги дамида у икки кўзи орқасида — ўртаниб кетди, лекин на қўлқ сифатида қириб юборилган ота-онаси, қариндош-уруғлари, на ёшлиги қамқоқда хазон бўлгани, на кўёв бўлмиши — Эргаш қўрбоши ҳақида руҳи жонда қасос ўтини аланга олдирувчи ўгли бир сўзни у бизга айтмади. Айтганда-чи? Бизнинг назаримизда, ҳаёти шонсиз-шарафсиз кечган, бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўрда бўлган чолнинг ҳасрати ўша даврнинг изчил сибатини зағирча кеса олармиди, ахир?!

«Халқ эзиб ташланган». Фасоҳатли кишилар шундай маломат қилганини турли вазиятда кўп эшитганман,

афтидан маълумотли одам эканлигини кўрсатиб қўйиш учун: — Унинг нимасини тавоф қиласизлар? — деди шангилаб. — Босқинчи бўлган-ку!

Табиийки, бепесанд бу маломатдан зиёратчилар ана бир бор ҳайратга тушишди. — Унинг нимасини тавоф қиласизлар? — деди шангилаб. — Босқинчи бўлган-ку!

Вазирлар мажлисида биз бир миллат сифатида мана шу тушунча, мана шу ҳолат, шу кайфиятда Мустақиллик эълон қилинган кунга етиб келдикки, буни рад этиш амри маҳолдир.

Бу — муқофнинг кўзга ташланиб турган қирраси, аммо унинг сув остида қўйиб ётган асосий томони ҳам бор. Бугун кўпчилик ўшадиги қирғинни унутиб юборган. Фарғонадаги қулфат ҳам битиб кетган ярага ўхшайди. Бу ҳақда гап очилса, енгилтак раҳбарнинг: «Бир тарелка қулупнай са-

боб...» — деган гапини эслаб, мийғимизда кулиб қўямиз, холос. Аммо ўша — тўқилган қонлар тасодифий қулфат эмас, балки ёвуз сиёсатнинг сўнгги ҳамласи эканлигини, бу тажовуз осонликча даф этилмаганлигини, бугунги осойишталик жуда қимматга тушганлигини унутиб қўямиз. Тарих эса бу ёвуз сиёсат ҳамма даврларда, демак, бундан кейин ҳам доимо бизга таҳдид солиб, бақамти яшайдан далолат беради.

Биз Искандар Зулқарнайнинг шу ерга қадами етганлигидан деярли ифтихор қиламиз, Доро ва Чингизхон босқинлари ҳақида деярли билмаймиз, араблар деса Мухаммад алайҳис-салом ҳаёлимиздан ўтади. Миллатимиз чор аскарлари тово-ни остида қолиб кетган, шўро истибдоди зулмга кўмиб ташлади, деймиз, аммо ўтириб ҳужжатни ўрмиса ёзишни афзал биламиз.

Ўшдаги ёнғиндан кейин ўша ерга бориб келган кеса бир адиб: «Мен сизим, — деган эди. — Иккинчи жаҳон урушида не-не қирғинларни кўрмадик, ахир, аммо юракка яқин олманган эканимиз, бу ерда эса на-биррам қатори норасида гўдакларни нечоғлик хўрлаб ўлдиришганини, чақалоқларни қиймалашганини кўриб, бирдан алоҳий таъом бўлдим!» Уш нима бўлибди, Қир, Искандар Зулқарнай, Қўтайба ибн Муслим, Чингизхон, оқ पोшио ё шўро босқинлари олдида. Ахир, бу босқинлар халқнинг бошига бундан минг чандон зиёд мусибатларни солган, зулм ва истибдод асрлар мобайнида тегирмон тоши янглиғ юракни эзиб турган-ку! Лекин қани ўша — кўкракка ханжардай санчилиб, ориятнинг нафрат ва муҳаббатнинг вулқондай отилиб чиқишига ундайдиган асл ҳақиқат? Юртбошимиз айтган: халқни ҳалқ, миллатни миллат қиладиган... тарих! Миллий муносабат!

Исонда нафрат ҳам бўлиши керак, бусиз муҳаббат бўлмайди. Тўмарисни Тўмарис, Широкни Широк қилган, Жалолидин Мангуберди матонатини тилларда дoston этган — нафрат, ёвларга, ёвузликка, таҳқирга нафрат эмасми, ахир?!

Яқинда ёш бир тарихчи олим: — Юртбошимиз одамнинг юрағидаги гапларни айтди-да! — деб қолди. — Унда қилиш керак шу ишни, — дедим мен. — Қўлимиздан келса-ку қилар эдик, келмайди-да. — Негат? — Манбаларга тиш ўтмайди... Холбуки, йиллар шамолдай қувиб ўтаётир. Кеча Ўзбекистонга келган япон тил ўрганиб, бутун ўзбек тилида сўзлаётир! Наҳотки, миллатга хизмат қилиш учун шунчалик ҳиммат етишмайди бизда? Кунни кеча эълон қилинган «Мангулик лаҳзаси» деган шеърда шундай сатрлар бор: **Минг йиллик йўлларни ёритди яққол, Ўшал бир лаҳзалик ялт этган чақин.**

Шоир истиқлол эълон қилинган давларни шундай таърифлайди. Лекин мен: — Етти йил муқаддам истиқлол эълон қилинганда уни шундай идрок этганман, — деса, унча-мунча одамнинг гапи-та, ростини айтсам, ишонгим келмайди.

Ушадиги гапчи Мустақиллик эълон қилинган бўлса-да, ташқариди ўша ҳаёт ҳужм суяр, ўша одамлар, ўша мамлакат, таҳлика ҳам ўша-ўша эди, фақат бир фидий жасорат кўрсатиб ҳаёт оқимини бошқа бир ўзанга бурниб юборган, тарихда янги давр бошланган, аммо эртага нима бўлишини ҳали ҳеч ким билмас эди...

Ушадиги гапчи Мустақиллик эълон қилинган бўлса-да, ташқариди ўша ҳаёт ҳужм суяр, ўша одамлар, ўша мамлакат, таҳлика ҳам ўша-ўша эди, фақат бир фидий жасорат кўрсатиб ҳаёт оқимини бошқа бир ўзанга бурниб юборган, тарихда янги давр бошланган, аммо эртага нима бўлишини ҳали ҳеч ким билмас эди...

Ушадиги гапчи Мустақиллик эълон қилинган бўлса-да, ташқариди ўша ҳаёт ҳужм суяр, ўша одамлар, ўша мамлакат, таҳлика ҳам ўша-ўша эди, фақат бир фидий жасорат кўрсатиб ҳаёт оқимини бошқа бир ўзанга бурниб юборган, тарихда янги давр бошланган, аммо эртага нима бўлишини ҳали ҳеч ким билмас эди...

Ушадиги гапчи Мустақиллик эълон қилинган бўлса-да, ташқариди ўша ҳаёт ҳужм суяр, ўша одамлар, ўша мамлакат, таҳлика ҳам ўша-ўша эди, фақат бир фидий жасорат кўрсатиб ҳаёт оқимини бошқа бир ўзанга бурниб юборган, тарихда янги давр бошланган, аммо эртага нима бўлишини ҳали ҳеч ким билмас эди...

Ушадиги гапчи Мустақиллик эълон қилинган бўлса-да, ташқариди ўша ҳаёт ҳужм суяр, ўша одамлар, ўша мамлакат, таҳлика ҳам ўша-ўша эди, фақат бир фидий жасорат кўрсатиб ҳаёт оқимини бошқа бир ўзанга бурниб юборган, тарихда янги давр бошланган, аммо эртага нима бўлишини ҳали ҳеч ким билмас эди...

Ушадиги гапчи Мустақиллик эълон қилинган бўлса-да, ташқариди ўша ҳаёт ҳужм суяр, ўша одамлар, ўша мамлакат, таҳлика ҳам ўша-ўша эди, фақат бир фидий жасорат кўрсатиб ҳаёт оқимини бошқа бир ўзанга бурниб юборган, тарихда янги давр бошланган, аммо эртага нима бўлишини ҳали ҳеч ким билмас эди...

Ушадиги гапчи Мустақиллик эълон қилинган бўлса-да, ташқариди ўша ҳаёт ҳужм суяр, ўша одамлар, ўша мамлакат, таҳлика ҳам ўша-ўша эди, фақат бир фидий жасорат кўрсатиб ҳаёт оқимини бошқа бир ўзанга бурниб юборган, тарихда янги давр бошланган, аммо эртага нима бўлишини ҳали ҳеч ким билмас эди...

## Истиқлол одимлари ЗОМИН МАКТАБ — ГИМНАЗИЯСИ ШУҲРАТИ

Муस्ताқиллик йилларида Зоминда ҳам ажойиб ўзгаришлар юз берди. Барча жабҳаларда бўлави соҳабри халқ таълими соҳасида хайли ишлар амалга оширилади. Бу борада Зомин тумани марказида жойлашган Х. Боқиев номи 1-сон мактаб-гимназия фаолияти айниқса таълимга сазовордир. Мактаб-гимназиянинг ўқув-тарбия ишларини янгиликлар билан ташкил этиш соҳасидаги ютуқлари ҳатто халқаро ташкилот — ЮНЕСКОнинг эътирофига мушарраф бўлди.

Шунингдек, Республика Вазиirlар Маҳкамасининг қарорига биноан, мазкур мактаб-гимназияга рус тили бўйича тажрибасинов мактаби мақоми берилади. Эндиликда бу ерда 2-9-синфлар учун рус тили дарсханлари ва услубий қўланмалар ишлаб чиқилади.



Йўлчи ЖўРА, ЎЗА мухбири.

Айрим жамоат ташкилотлари фаолиятини қузатиш шунки кўрсатмоқдаки, улар ҳанузгача тўспадан топириқиб кутиб ишлаш, кампаниябозлик касалидан қутула олмаётгани кўзга ташланади. Кўпроқ ташаббус кўрсатиш, одамларни ислохотларни амалга оширишга фаол жалб қилишга эътибор суг даражада. Бундай шароитда бирор-бир уюшма азоси ёки бошқа фуқаро ўзининг қизиқиш ва манфаатларини ҳимоя қила оладиган, зарур вақтда ёрдам қўлини чўза оладиган

ўйлаб кўриш лозим. Назаримда, тақдирлар учун республикамизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар ноҳукумат ташкилотларининг ташкилий тузилмасини ўрганиб кўриш фойдалан холи бўлмас эди (Масалан, Конрад Аденауэр, ЮНИСЕФ, Каунтерпарт Консорциум ва ҳоказо).

Характерида бўлиб, кўпроқ илмий-таъсирчан йўналишга таяниб фаолият кўрсатади. Истаган жамоат ташкилоти Марказ билан алоқа боғлаб, ўзига керакли соҳада зарур ёрдамни олиши, шартнома асосида ўз кадрларини замонавий талаблар бўйича ўқитиши мумкин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Марказ республикадаги барча жамоат ташкилотлари учун илмий-социологик, илмий-текшириш институти вазифасини ўтайди.

Димлар меҳнат қилишмоқда. Мисол учун «Камолот» жамғармасининг ташкил этилганига энди икки йил бўлди. Бугун жамғарма тизимида 1500 дан ошмиқ ёш йигит-қизлар маош олиб фаолият кўрсатишмоқда. Бошқа жамоат ташкилотлари ҳақида ҳам шу фикрни билдириш мумкин. Шу боис нодавлат тизимнинг кенгайиши орқали бир томондан бандлик масаласини ҳал қилишга йўл очилса, иккинчи томондан, фуқаролар-

нинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокларини фаоллаштиришга имкон яратилади. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, гап ана бу сектор кадрларини ўқитиш учун махсус таълим тармоғининг зарурлигига бориб тақаллади.

# ЯНГИЧА ТАЛАБЛАР

## доир айрим мулоҳазалар

ташқилот, жамғарма борлигини яққол ҳис қилиши амри маҳол, албатта. Қизини шундаки, қайси жамоат ташқилоти бўлмасин бирор-бир тадбир ўтказиш керак бўлса, албатта мактабда, институтта ёки одамлар билан ишлаш осон бўлган бошқа давлат тасарруфиди объектларга борилади. Ваҳоланки бу жойларда шундоқ ҳам соҳага масъул кишилар, маош олиб ишлайдиган мутасаддилар бор. Бунинг оқибатида кечка қишлоқлар, жамоа ҳўжалиқлари, маҳаллаларда фаолият кўрсатиш жамоат ташқилотларининг эътиборидан четда қолиб кетмоқда.

Демак, энг аввало, ҳар бир жамоат ташқилоти ўз олдида турган мақсадни тўла англаб олиши, зарур бўлса одамлар махсус ўқувдан ўтказилиши керак. Иккинчидан, ана шу мақсадни амалга ошириш воситаларига эътибор бериш лозим. Яъни, фаолият натижаси мақсадни тўла-тўқис ифода этиши, унинг амалга оширишга бевосита хизмат қилиши даркор. Қўпчилик ҳолларида бўлаётганидек, ҳисоботнинг, тарғиботнинг тадбирлардан энди қутулиб, янгича — бевосита омма орасида юрадиган, халқчил ва содда шакл ва иш услубларини излаб топиш пайти етди.

Учинчидан, жамоат ташқилотларининг ташқилоти тузилмаси ҳуусеида ҳам жиддий

жамоатчилик бирлашмалари ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизми ҳамда услубларини аниқ белгилаб олиш мўҳим аҳамиятга эга масалалардан биридир. Бинобарин улар давлат юрифтаган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришда асосий воситачи ва ҳамкор ҳисобланади. Бу алоқаларни янада мустаҳкамлаш, жамоат ташқилотлари ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятидаги бир-бирини тасдиқлаш, айнан ўқшашлик каби ҳолатлардан қўтилиш, мазкур соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш учун тараққий этган давлатлардаги сингари (АҚШ, Буюк Британия) яхлит механизмни ташқил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу механизм масаланинг моҳиятига қараб турли қўринишда бўлиши мумкин.

Нохукумат ва нотижорат ташқилотлари қўшимча янги иш уринларни яратиш билан бирга уларнинг ўзлари ҳам шу вазифани бажаришди. Мазкур мотларга қўра, Финляндияда иш бевуриқлаштириб 10 тадан 5 таси нотижорат ташқилотларига тўғри келади. Нотижорат Алъманакнинг ахборотида 1990 йилда нотижорат секториди ойлқиб ишлайдиган 8,7 миллион ходим фаолият кўрсатганлиги келтирилган. Бугунги кунда республикамиздаги мазкур жамоат ташқилотларида ҳам минглаб хорижий ижтимоий ҳаётдаги иштирокларини фаоллаштиришга имкон яратилади. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, гап ана бу сектор кадрларини ўқитиш учун махсус таълим тармоғининг зарурлигига бориб тақаллади.

«Ўртага қўйлаётган вазифаларни ҳал этишда жамоат, нодавлат тузилмаларини ривожлантириш бугунги кунда мўҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, бундай тузилмалар замирида, назаримда, фуқаролар ташаббусларини шакллантириш, одамларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш, турмушнинг кўпгина доллар муаммоларини ҳал этиш вазифасини бажаришга, дея таъкидлаган эди йўлбошчи Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида.

Бу юксак эътироф ва ишонч учинчи сектор олдида қатта вазифаларни қўлади. Зотан, янги жамяят барпо этиш жараёнида халқнинг бевосита фаол иштирокни таъминлаш янги жамоат ташқилотлари зиммасига тушади. Бунинг учун улар янги давр талабларига мос иш услуби ва шакллари билан қатъият билан ўзлаштиришлари, кўпроқ ташаббус, ташқилотчилик кўрсатиб фаолият юритишлари тақозо этилади.

## АЙЁМ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН ДАДИЛ ИЛГАРИЛАМОҚДА

Мамлакатимиз муस्ताқиллигининг етти йиллиги арафасида қулфат давлат ва жамоат арбоблари, малаинат ва фан намояндилари ҳамда турли жабҳаларда фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатларнинг вакиллари тобора яқинлашиб келётган қўлғур айём муносабати билан халқимизга ўзларининг таъриқ сўзлари, эъгу тилақларини эъжор этишляпти. Улар орасида дипломатия корпусининг қўлаб вакиллари ҳам бор. Ушбу қўлғур айём олдида Германиянинг мамлакатимиздаги Факултода ва мухтор элчиси Райнхарт Вийндайль ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди: — Германия билан Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ҳамкорлик алоқалари йил сайин кенгайиб бораётир. Биргина 1997 йилнинг ўзида мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ ҳажми 1 миллиард немис маркасини ташқил қилди.

Ўзбекистонда Германиянинг юзга яқин фирмалар ва компанияларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Германия бундан кейин ҳам Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришдан манфаатдорлар. Шу сабабдан, Германия Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққийига қатта қизиқиш билан қарайди. Қишлоқ ҳўжалиқиди ислохотларини жаддалантириш, ҳуусейлантириш, молия бо-

лиш натижаларига қўра, мазкур гуруҳнинг иши ҳар томонлама фойдалани, деб баҳолянди. Бундай тадбирлар келгусида икки томонлама алоқаларининг янада кенгайиши учун хизмат қиладди. Келгуси режалар ҳақида қўйиладиган айтиш мумкин: 1998 йилнинг кунда Боннда Германия ва Ўзбекистон ҳукуматлари вакиллари ўртасида ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга бағишланган йиллиқ бўлиб ўтади. Таъкидлаш жоизки, Германиянинг Марказий Осиё, ҳуусеян, Ўзбекистонга бўлган иқтисодий қизиқиши катта. 1998 йилнинг ноябрь ойи бошида Боннда Марказий Осиё-Германия савдо палатасининг конференцияси бўлади. Маданий ҳамкорлик борасидаги янгилик сифатида эса шу йилнинг апрелида Тошкентда Вольфганг Гёте институти бўлими ўз фаолиятини бошлаганини айтиш мумкин. Мамлакатимиз муस्ताқиллигини биз учун ҳам қатта ҳодиса бўлди. Айни пайтда Ўзбекистон халқи муस्ताқиллик юзасини янада мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай яқдиллик билан меҳнат қиляптир. Ҳозир Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар эртага, албатта ўзининг самарасини беради. Бу эра мамлакатининг янги жаҳонда ҳамжамятини олдидан мақсидини янада юксалтириш учун хизмат қиладди. Ўзбекистон қисқа мудат ичида шундай муваффақиятларга эришганининг сабабларига шундайки, у хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини тобора кенгайтирмоқда. Мамлакатининг раҳбарияти жаҳондаги нуфузли халқаро ташқилотлар билан муносабатларни кундан-кун ривожлантиришти, давлат тараққийи йўлида жаҳонда тан олинган дунёвий метёр ва олинганларга суниб иш кўрмоқда. Мен Ўзбекистон халқига келгусида ўз давлатининг сиёсий ва иқтисодий тараққийи йўлида улкан ютуқлар тилайман. Ўзбекистоннинг келажиги, ҳақиқатан ҳам, буюк. Мана шундай дадил ишонч халқинизга доимо ҳамроҳ бўлиб.

Аброр ҚИЛИЧЕВ, (ЎЗА)

ВАТАН ШАЪНИ — МУҚАДДАС



Ўзбекистон спортчилари Ватан байроғи билан «Дунё томи» — Эверест чўққисиди!

Дунёда инсониятнинг ўзи яратиб, ўзи лол қолган мўъжизалари оз эмас. Шулар орасида энг сирли-сехрли, ҳаяжонли эҳтиросли спорт бўлса керак. Спорт бир пайтнинг ўзида миллионлаб қалбларни ларзага солади, қувончу шодликларга чулғай олади.

Шундай бўлса-да, спортни ҳар қим ўзича тушунади: кимгадир у оддий томоша, кимгадир саломатлик, бошқасига маданият, тинчлик элчиси. Яна кимгадир бизнес ёки сийёсат... Айрим тоифа одамлар ҳам борки, улар учун спорт ҳеч нарсаи аңлатмайди.

Хўш, аслида спорт нима ўзи?

Узоққа бормай гапни яқинда Францияда футбол бўйича ўтган Жаҳон чемпионатида бошлайлик. Ҳар ҳолда унинг тафти ҳануз қалбимизда кўтарилганича йўқ. Бир ой давомида бутун дунёнинг кўзи, фикри-хаёли фаранглар мамлакатига қаратилди, одамларнинг қувончу ташвишлари футбол майдонларига қўчди.

Эрақлар унча-мунчага кўз ёш қилишмайди. Аммо майдонда шиддат, жасорат ва матонат кўрсатган йигитлар уйиндан сўнг ёш болалардек хўнграб йиғлаганларини кўрдик. Финал уйинида францияликлар ҳайқирганидан стадион ёрилиб кетгудек бўлди. Уша куни бутун Франция ухламади. Ҳамма кўчага отилди, одамлар кўчаларида машғала, байроқлар... Таниш-нотаниш бир-бирини бағрига борсари.

Бу пайтда Бразилияни эса изтироб чулғаб олганди. Нафақат футболчилар, ёшлар, соҳилари оппоқ отахону онахонларгача йиғлаганини телевизорда кўрдик.

Бунчалик қувонч ва эҳтирослар, аламлар сабаби нимада?

Бу саволга бирданга, бир сўз билан жавоб бериш қийин. Унинг илдизи анча чуқур. Уйлайверсанг, турфа фикрлар хаёлга келаверади...

... Унинг ҳақиқатида яхши сўз эшитсанг, кўнглинг кўтарилди. Емон сўз эшитсанг ражийсан, энгилсан. Лекин чидайсан. Узинг ўзинг-да.

... Миллат ҳақида, Ватан ҳақида яхши гап эшитсанг, бошинг кўкка етди. Емон сўздан қалдинг буклади. Миллат, Ватан — виждонинг, нимоининг, жонинг, борлигинг-да!

... Ватан номи билан боғлиқ курашлардагина одам бор кучини, ақл-заковатини кўрсата олади. Ватан номи билан боғлиқ ҳар қандай оғир синовларга одамозат бардош беради. Энг олий мукофот, энг катта бойлик, галаба, қувонч ҳам Ватан номи билан боғлиқ бўлади. Кураш майдонларига жасорат, уриятлик рекордлари спортни гайрат-нижозини қўрдаи олади? Ўз Ватанига эътиқоди ва муҳаббатиди олади.

Франция терма жамоасини тақдирлаш маросимида олтин медаллар топшириб бўлинган, футболчиларнинг биринчи қилган ишлари мамлакат байроғи олдига тиз чўқиб бўлди. Галабадан мағрур боллар фақат Ватан байроғи олдига эгилди...

Жаҳон чемпионати биринчилиги кунлари кўпчилик ҳамюртларимиз кўнглидан бир армонли ниҳат тақор ва тақор ўтганини аниқ қанаида, бизнинг спортчилар ҳам шулар сафига бўлаётди...

Аслида бундай бахти эришишимизга озгина нимадир еттишди, мураббийлар тажрибасини, масъулиятини, спортчиларимиз маҳоратини, сидқи-садоқатини... Кимларидир бу саволлар ҳамон қийнайдилар, лекин кимларидир бу ҳақда уйлашни ҳам истамайдилар. Кимларидир бунинг нималигини аңглади, кимларидир аңгламайди.

Футболчиларимиз жаҳон чемпионатида борганларига, Ўзбекистонимиз байроғи қилриганда нима бўлади?..

Шу ҳақда уйласам, ўзим гувоҳи бўлган воқеалар беахтир ёлға тушади.

...1994 йил, Хиросимага Осиё уйинларига борган дастлабки кунларимиз. Кўча-кўйда оддий японлар билан «Қаерликдилар» деб сўрашарди. Жаҳонимизни эшитган, «Ўзбекистон қаерда жойлашган?» дея ажабланишарди. Очинг, бундай савол орийтимизга тегарди, алам қиларди. Эсимда, хорижлик журналистларга кўлбола харита чиқиб, Ўзбекистон қаерлигини кўрсатганимиз. Футболчиларимиз кетма-кет рақибларни енгаларча, юртимизни японлар ҳам, бошқалар ҳам таний бошладилар. Ярим финалда Корея, финалда Хитой терма жамоаларини мағлуб этганимиздан сўнг «Ўзбекистон» сўзи дунёнинг турли тиллари ва лажқаларида ҳайрат ва ҳаяжон билан айтила бошланди.

Йигитларимиз шоҳеулада мағрур туришганида, улар кўксига олтин медаллар тақдирланганда, давлатимиз мадҳисини янграб, байроғимиз қилрираётганда, лиқ тўла стадион оёққа туриб бизни — Ўзбекистонни олқишлаётганда, футболчиларимиздан бири байроғимизни боши узра билан кўтариб, майдон бўйлаб югурганида... кўксимизда турбн урған туйғуларни тушутириш қийин. Бундай дақиқаларни ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди, бундай қувонч ва обрў-эйтиборни ҳеч қандай бойликка алмаштириб бўлмайди.

Мустақил давлат бўлиб, миллат бўлиб, дунё назаарига тушганимиздан, бизга ҳавас билан қарашаётганидан фахрланардик. Қувонч билан биргаликда кечати армонлар, аламлар айқаш-уйқаш бўлиб юракни уртарди. Кўзларимиздан ёш қуйилиб келаверади. Шу пайт ёнимдаги хорижлик журналистлардан бири: «Биласизми, энг гўзал мадҳия сизларники экан», деди. Гапирай десам, ҳаяжондан тилим қалмагга келмасди. Ҳалимиздан эса шундай сўзлар ўтганди: «Хўш, энг гўзал мадҳия ҳам, энг гўзал байроқ ҳам, энг гўзал Ватан ҳам бизники!»

Тарихимизни билганлар бизга уша улғу аждодларимиз тимсолида қарашади. Билмаганлар эса бутун голиб спортчиларимиз тимсолида миллатимизни, юртимизни тасаввур қилишади. Шу бонс,

Баъзан шундай гаплар қулоққа чалиниб қолади:

«Чет элгидек тўлаша, бизникилар ҳам уйнайди». Дунёда қатъий исботланган бир ҳақиқат бор: «Спортчи галабасида пул ҳеч қачон асосий омил бўлолмайди. Ортида Ватани, халқи борлигини аңласанга спортчининг кучига кўч қўшилади».

Футбол бўйича жаҳон чемпионатида Хорватия терма жамоаси ҳеч бир башоратчининг хаёлига келмаган ишни қилди. Хорватияликлар Голландия, Германия каби кучли футбол мамлакатлари вакилларини доғда қолдириб, учинчи ўринни эгаллашди. Бу чемпионатнинг ҳақиқий сенсациясига айланди.

Хорватияликлар ютуғи атрафида мутахассислар ҳар хил фикрларни билдиришди. Лекин энг ҳақ гапни Хорватия футболчиларининг ўзлари айтишди. «Галабангизнинг асосий сабаби нимада?» деган саволга улар шундай жавоб қилишди: «Галаба бошқаларга қараганда бизга кўпроқ зарур эди».

Ҳақиқатан ҳам ёш мустақил мамлакатда бундай галаба зарур эди. Бу галаба баҳосини футболчилар яхши билишарди.

Тугри, спортчи ҳам эртасини, оиласини уйлайди. Лекин шунга ҳам мардона тан олиш керакки, ҳозир спортчиларга яратилган шароитлар қайси касб эгаларида бор? Уша Америка, Германия, Франциядаги шароитларга бизда ҳам утилайпти. Худо хоҳласа, ушундай кунларга етамиз. Аммо Ватан манфаатини ўз манфаатимиздан устун қўймоғимиз бутун, айниқса, зарур эмасми? Ҳақиқий дўст оғир кунда билинади, деган гап бор. Ватанпарвар одамлар ҳам эл-юрт учун зарур кунларда билинади.

Шу ўринда улғу боболаримиздан бири Паҳлавон Маҳмуд ёлға тушади. Ҳикоя қилинишича, «...Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистонда экан чоғида хиндлар тарафини олиб зўрғат қатнашди. Ҳиндистон подшоҳи Раи Ранои Чунани Улимдан кўтказди. Шундан кейин Ҳиндистон подшоҳи мамнун бўлиб: «Тила тилагини», — деди. Паҳлавон молу дунё, олтин, қумуш талаб қилмай, бир вақтлар Ҳиндистонга асир тушган хоразмликларни озод қилишни сўрайди. Ҳиндистон подшоҳи Паҳлавон Маҳмуд илтимосини бажо келтириб, хоразмлик туғулари озод этди, йўл харажатларини бериб, Хоразмга қайтарди».

— Спорт — миллий гурур, ифтихор каби энг улғу фазилатларни ҳар қайси шахсада уйғотди... Миллатимиз вакиллари дунё чемпиони бўлиб қайтса, бунинг нималигини тўла тасаввур қилаолмай-

«Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди».

Ислом КАРИМОВ



спортимиз қанчалик юксалса, Ватанимизни дунё шунчалик тез ва ахши танийди, миллатимиз обрўси, салоҳияти ошади.

Ўтган етти йилда Ўзбекистонни дунёга танитишда спортнинг ўрни залворли бўлди, десак асос етарли. Эслаб кўрайлик, 1992 йил, Норвегия, Лилли Хамер, Кишки Олимпия уйинлари. Ўзбекистонни деярли ҳеч ким танимади. Ана шу кўпчиликка номаълум мамлакат спортчиси Лина Черязова ҳаммадан дол этиб, олтин медални қўлга киритди. Уша куни Линанинг номи билан ёнма-ён Ўзбекистон номи ҳам бутун дунёга ёйилди. 1996 йили Атлантада ўтган ёш Олимпия уйинлари чоғида дунё оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз номини неча бор тақдорлади... Жаҳон шоҳмат олимпиядалари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда нуфузли халқаро турнирларда-чи? Профессонал боксчиларимиз Артур Григорян ва Фуқрат Турсунов галабалари туғулайди Ўзбекистон байроғи неча бор кўтарилди!

Спорт шундай кучки, у бутун дунёни бир жойга тўлаб урғаштира олади, бирлаштира олади. Спортни шундай қудратга еткази, унинг бир ўзи бутун дунёни ўз мамлакатига ҳақиқат таъбирга олади, ўз мамлакатини дунёга танита олади. Спортнинг куч-қудрати ҳам ана шундай.

Дунёда энг қизиқарли, энг ҳалол уйин қайси, деб сўрасанг, икки кўча ёки икки маҳалла болалари уйини, деб жавоб берадиз. Ҳаммаимиз кўрганмиз, ўзимиз ҳам бошимиздан кечирганимиз, болаларнинг қанчалик жон-жаҳд билан курашишларини. Бу расмий мусобақа эмас, ўртада талашадиган мукофот ҳам, пул ҳам йўқ. Лекин кўчанинг, маҳалланинг шаъни бор, болаларнинг тоза қалбларида орият бор. Ўз оиласи, маҳалласини уйлаб-ўстган бола эрта ўз юртини дейди.

Боксчимиз Артур Григоряннинг жаҳон чемпионлиги учун биринчи урғашуви олдидан бошқа бир мамлакат бойбачалари уни ўз томонларига олдиришга ҳаракат қилишди. Агар Артур тақлиф этилган давлат байроғи остида курашга тушадиган бўлса, мўмай пул ваъда қилишди. Бу ҳол иккинчи - учинчи «жанг»лар олдидан ҳам содир бўлди. Ҳатто уни бошқа мамлакат фуқаролигини қабул қилишга ҳам тақлиф этишди. Уларга Артурнинг жавоби қатъий ва бир хил бўлди: «Мен Ўзбекистонда туғилди ушим. Ўзбекистонни ҳеч нарсага алмаштирмайман. Чўпки у менинг Ватаним...»

1996 йил Ереванда шоҳмат бўйича 32-жаҳон Олимпиадаси баҳслари борарди. Бир мамлакат жамоа вакиллари гроемеестеризини Сайдали Уйдошевдан уйинни дуранг қилишини сўрашди. Эвазига катта пул тақлиф этишди. Ҳамюртимиз кўнамагач, улар нарҳни икки баровар кўтарди. Яна рад жавобини олғач, нарҳни ўзинг белгила, дейишди. Сайдали рози бўлмади. Ҳолбуки, бу вақтда у гроемеестер талабини бажариб бўлганди, ярим очко эмас, тўлиқ очко йўқотганда ҳам шахсий натижасига таъсир қилмасди. Нарҳи жамоа эса ярим очко ола, кучли бешликка қиради. Сайдалининг жавоби шундай бўлганди: «Ватан манфаати турган жойда ортиқча гапга ўрин йўқ!» Сайдали ярим очкони сотиб, мўмай пулга эга бўлиш мумкин эди. Лекин ярим очконни сотган одам, кейинчалик каттароқ нарсаларни, энг олий қадрият ва тушунчаларни ҳам сотишга бориб етати.

Спортчиларимизнинг мардлиги, фидойилиги ҳақида уйлашганимиз хаёда кўнглини гаш қилдиган саволлар ҳам айланаяпти: нега айрим таниқли спортчиларимиз фақат ўзим бўлсам дейишади? Эл-юрт унга кўз тикиб турганини ҳис этишмайди? Пул учун у шаҳардан бу шаҳарга учиб юришади? Майдонда жон-жаҳдлари билан курашишмайди. Манманлиги эса оламга ситмайди, бурун осмонда...

Сафар ОСТОНОВ.

«МУШТУМ»НИНГ МАХСУС СОНИ

Газета ва журналлар фаолиятида «махсус сон»лар тайёрлаш тажрибаси учраб туради. Табиийки, бундай «махсус»лик ҳар бир газета ёки журналнинг мақсад ва мавзуси йўналишига кўра, ҳар гал алоҳида табиатли бўлади.

«Муштум» журналининг янги, 8-сонини ҳам «махсус сон» деб ҳисоблаш мумкин. Фақат бу сон — мутлақо муштумонадир. Унинг саҳифалари бу гал бошдан-оёқ ҳажвиялар, лофлар, латифалар, ҳангомалар билан яйраб турибди. Уларнинг орасида кулгимиз даргаларидан бири Охунжон қўзиқнинг ҳангомаларидан тортиб, Олим Кўчқорбе-



дан қувноқ митти ҳажвий асарларини учратасиз. Кулги шинавандаларига Америка, италян, голланд юморлари, қорақўлқоқ халқининг ҳангомаларидан ҳам сайланма намуналар ҳада этилган.

Таниқли шоир Анвар Обиджон эса ҳажвий шецларни билан «Муштум»нинг мазкур сонига алоҳида руҳ бағишлаган.

Журнални бу гал Хусан Солиқов, Муҳиддин Хотамов, Иброҳим Қосимов, Сергей Чуваков каби расмолар бетақор ҳажвий расмлар билан анча кўримли қилиб безашган.

Абдулла Исомидинов, Ашуралӣ Жураев, Мурод Калонхон, таниқли бастакор ва созанда Абдуҳошим Исмоилов ва бошқаларнинг бири-бири-

«ТОШКЕНТ ДЕВОРИ»НИ АСРАЙЛИК

Қадимда Тошкент шаҳрини гир айланттириб турган девор ва 12 дарвоза бўлганлигини тарихдан яхши биламиз. Тошкент девори йиллар суронига бардош беролмай емирилиб-бузилиб кетган, Камолон дарвозаси ва бошқа

айрим гўшаларда деворнинг бир неча метрлик қолдиғи сақланиб қолган. Бу девор Тошкент тарихида бўлиб ўтган қанчалар-қанча жанглarning тилсиз гулоҳи — ёдгорлигидир. Ҳозирги пайтда Камолон дарвозаси яқинидаги девор-

нинг қолдиқлари ҳам турилиб кетиш арафасида турибди. Қани энди, бу девор қолдиғини сақлаб қолиб, таъмирлаб, келажак авлодларимиз учун ёдгорлик сифатида асраёلسак...

М. ЗАЙНУДИНОВ, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Давлат қисқа муддатли облигацияларининг 22013UMFS чиқарилишининг тўловини амалга ошириш ва 22020UMFS чиқарилишини жойлаштириш якуналари бўйича

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ РАСМИЙ ЭЪЛОНИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ, 22013UMFS чиқарилишидаги облигациялар 1998 йил 12 август куни 3 500.000 млн. сўмлик ҳажмдаги облигацияларнинг тўлови амалга оширилди.

22020UMFS сонли чиқарилишидаги давлат қисқа муддатли облигациялари (1998 йил 12 августда чиқарилган, қоплаш санаси - 1999 йил 10 февраль, муомалада бўлиш муддати- 182 кун)ни жойлаштириш бўйича кимошди савдоси Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида шу йил 12 август куни бўлиб ўтди.

Кимошди савдосида 16 та дилер қатнашди. Облигацияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳажми - 5500,0 млн. сўмни ташкил этди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар рақобатдош талабномалар умумий ҳажмининг 30 фоизгача миқдорда берилишига руҳмат этилди.

Кимошди савдосида облигация номинал қийматининг 88,09% дан 91,80% гача бўлган баҳолар доирасида талабномалар берилди. Тушган рақобатдош ва рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг умумий ҳажми номинал ҳисобида 9494,002 млн. сўмни ташкил этди.

Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг минимал баҳоси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарорига мувофиқ, облигация номинал қиймати 91,76%ни ташкил этди. Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг умумий ҳажми 912,100 млн. сўмни ташкил этди.

Кимошди савдосида қондирилган барча талабномаларнинг ўртача баҳоси облигация номинал қийматининг 91,78% ига тенг бўлди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар ҳам худди шу баҳода қондирилди. Уларнинг умумий номинал ҳажми 2164,834 млн. сўмга тенг бўлди.

Жаъми номинал ҳисобида 3 076,934 млн. сўмлик облигация сотилди.

Кимошди савдоси натижалари бўйича облигацияларнинг даромадлиги қуйидагича бўлди:

Table with 3 columns: Кимошди савдоси якуналари бўйича даромадлилик (Йиллик % ҳисобида), Минимал баҳода 91,76%, Ўртача олинган баҳода 91,78%. Rows include Oddiy foizlar uslubi буйича and Мураккаб foizlar uslubi буйича.

«Тошкентуэйжойинвесткурулиш» корпорациясига қарашли тиббиёт-санитария бўлими жамоаси травматология бўлими мудир Муҳаммад Усмоновни БОВОКУЛОВНИНГ бевақт вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига таъзия билдиради.

Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театри жамоаси театр актрисаси Амина Ибатуллинага уқаси Альберт ИБАТУЛИНИНГ бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Таҳрир хайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Мираллимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий, И. Худойёров, И. Шоғуломов, У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибхат 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рухиятдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 0173, 34565 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган. Котоб бичими А-2. Газета ИВМ компьютерлаш терминали ва оператор Сергей ДУКИН томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳафта 5 кўнгодан энг аз материаллар қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Иловачи муҳаррир — Н. Тожев. Иловачи — А. Жураев, Мусаллоҳ — Ф. Усмонов.